

ХАРАКАТДАГИ АВТОМОБИЛЬНИНГ ПИЁДА-БОЛАЛАР БИЛАН ТЎҚНАШУВИДА ЖАРОҲАТЛАНИШ

Индиаминов С.И., Шойимов Ш.У.,

Самарқанд Давлат тиббиёт институти, РСТЭИАМ Самарқанд вилоят филиали.

✓ Резюме,

Мақолада ҳаракатдаги автомобильнинг пиёда-болалар билан тўқнашуви жараёнида вужудга келадиган жароҳатлар жиҳатлари муҳокама қилинган. Қайд этилганки, йўл-транспорт ҳодисалари билан боғлиқ жароҳатланиш таркибида автомобиль травмалари оқибатида болалар ўлими 6% ни ва бу турдаги травмаларда турли даражали тан жароҳати олган (ўлимсиз ҳолатлар) болалар улуши 8% ни ташкил этади. Автоҳалокатларда болалар жароҳатланишларининг клиник - ижтимоий тамойилларига бирмунча эътибор қаратилган бўлсада, бу жароҳатланишнинг суд-тиббий жиҳатлари етарлича ўрганилмаган. Жароҳатлар механизмини аниқлашда боланинг ёши, бўйи узунлиги ва аъзо-тўқималарнинг анатомо-морфологик хусусиятлари иноватга олиниб, ҳар бир ҳолатга индивидуал ёндошув лозимлиги таъкидланган. Ўзбекистонда ишлаб чиқилаётган замонавий енгил русумли автомобиллардан пиёда-болаларга етказилган жароҳатлар хусусиятларини тизимлаштириш мақсадли тадқиқот ўтказишни талаб этиши кўрсатилган.

Калит сўзлар: автомобиль травмаси, пиёда-болалар, жароҳатланиш, суд-тиббий экспертиза.

ПОВРЕЖДЕНИЯ У ДЕТЕЙ-ПЕШЕХОДОВ ПРИ СТОЛКНОВЕНИИ С ДВИЖУЩИМИСЯ АВТОМОБИЛЯМИ

Индиаминов С.И., Шойимов Ш.У.,

Самаркандский государственный медицинский институт, Самаркандский филиал РНЦЭМП.

✓ Резюме,

В статье рассмотрены особенности формирования повреждений у детей-пешеходов при их столкновении с движущимися автомобилями. Отмечено, что в структуре дорожно-транспортного травматизма смертность детей в результате автомобильной травмы составляет 6 %, а нелетальные исходы - причиненные различной степени телесных повреждений при этом виде травмы составляют - 8%. Клинико-социальным аспектам повреждений детей при автомобильной травме уделено значительное внимание, в то же время судебно-медицинские аспекты данного вида травмы изучены недостаточно. Подчеркивается, что установления механизма повреждений у детей требует индивидуальный подход к каждому случаю и при этом необходимо учитывать возраст, длину тела ребенка, а также анатомо - морфологические особенности органов и тканей. Показана необходимость проведения целенаправленных исследований для систематизации повреждений у детей-пешеходов, причиняемыми современными автомобилями, производимыми в Узбекистане.

Ключевые слова: автомобильная травма, дети - пешеходы, повреждения, судебно-медицинская экспертиза

DAMAGE IN CHILDREN-PEDESTRIANS IN A COLLISION WITH A MOVING CAR

Indiaminov S. I., Shoimov U. S.,

Samarkand State Medical Institute, 140100 Uzbekistan Samarkand Amir Timur str 18 <https://sammi.uz/ru>
Samarkand branch of RSCMP, Samarkand, st. Artem, 18, tel. 8 (366) 235-42-12, fax: 8 (366) 235-84-48,
samstat@mail.ru.

✓ Resume,

The article discusses the features of damage formation in children-pedestrians when they collide with moving cars. It is noted that in the structure of road traffic injuries, the death rate of children as a result of an automobile injury is 6 %, and non - fatal outcomes - caused by various degrees of bodily injury in this type of injury is 8%. Considerable attention has been paid to the clinical and social aspects of children's injuries in car accidents, while the forensic aspects of this type of injury have not been sufficiently studied. It is emphasized that establishing the mechanism of damage in children requires an individual approach to each case, and it is necessary to take into account the age, length of the child's body, as well as anatomical and morphological features of organs and tissues. It is shown that there is a need to conduct targeted research to systematize injuries in child pedestrians caused by modern cars produced in Uzbekistan.

Keywords: car injury, pedestrian children, injuries, forensic medical examination

Долзарблиги

Йўл-транспорт ҳодисаларининг (ЙТХ) олдини олишга қаратилган кескин чора-тадбирлар қўлланилиши ҳамда бу борада кенг қамровли тушинтириш-тарғибот ишлари олиб борилишига қарамасдан, бутун дунё миқёсида транспорт травматизми (ТТ) сони тобора ошиб бормоқда ва ушбу ҳолат билан боғлиқ

жароҳатланишлар оқибатидаги ўлим ҳамда ногиронлик механик шикастланишлар таркибида етакчи ўринда қолмоқда [Ковалев А.В., Макаров И.Д., 2011; Назаренко И.И., Иванов В.И., Рошин Г.Г., Дорош В.М., (2016), Плевинскис П.В., (2019).

Бутун жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти (БЖССТ) маълумотларига кўра, ҳар йили 50 млн. дан зиёд инсонларга ТТ оқибатида турли даражали тан

жароҳатлари етказилаётган бўлса, ушбу жароҳатланишлардан йилига 1,2 млн. нафар шахслар ўлими қайд этилмоқда Якунин С.Я., (2007).

ТТ таркибида автомобиль травмаларидан жароҳатланишлар энг кўп сонини ташкил этмоқда Фетисов В.А., Смиренин С.А., Нестеров А.В., Хабова З.С., (2014), Леонов С.В., Пинчук П.В., (2016). Автомобиль травмаларида катта ёшдаги инсонлар жароҳатланишларининг турли жиҳатлари, шунингдек суд-тиббий экспертиза (СТЭ) масалалари юзасидан жаҳон миқёсида кўплаб тизимли тадқиқотлар ўтказилган ва олиб борилмоқда. Тадқиқотларда автомобиль травмалардан жароҳатланишлар хусусиятлари ва уларнинг етказилиш механизми билан боғлиқ ҳолатлар ўрганилган А.А.Солохин, (1968), А.А. Матышев, (1969), Стешиц В.К., (1976), Томилин В.В., Пашиян Г.А., (2011), Саркисян Б.А., Паньков И.В., (2014). Бироқ, автомобиль травмаларида турли ёшдаги, айниқса кўчаларда ўзлари бемалол юрадиган 6-14 ёшдаги болаларнинг жароҳатланишлари суд-тиббий жиҳатлари етарлича ўрганилмаган Пороженко В.А., Аниприенко С.А., (2014), Савенкова Е.Н. ва ҳаммуал. (2015, 2018).

Болалар травматизми муаммоси жаҳон миқёсида ўта долзарб тиббий-ижтимоий муаммога айланган, маълумотларга кўра жами болалар ўлимининг 40% ни травматизм ташкил этмоқда. Шунга қарамасдан, ҳозирги вақтга қадар болалар травматизмининг ягона таснифи яратилмаган, бу эса ўз навбатида болалар травматизмини рўйхатга олиш ва статистик ишловда чалқашликларга сабаб бўлмоқда Ковалев А.В., Козлов Т.П., (2013).

ТТларда болаларга етказилган жароҳатланишларнинг клиник-ижтимоий тамойилларига бирмунча эътибор қаратилган Кешишян Р.А., (2009), Бухвалов С.А., (2010) бўлсада, СТЭ мақсадлари учун ҳаракатдаги автомобилнинг пиёда-болалар билан тўқнашуви ҳолатларида етказилган жароҳатлар тизимлантирилмаган ва улар механизмига тўлалигича баҳо берилмаган Ефимов А.А. ва ҳаммуал., (2008), Гречишников Ю.В., Гречишников Р.К., (2009), Суворов С.Т., (2014). Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган замонавий русумли автомобильлар иштирокидаги ЙТХда жабрланган шахслар жароҳатланишларининг суд-тиббий жиҳатлари мутлоқ ўрганилмаган Индиаминов С.И., ҳаммуал., (2020).

Ишнинг мақсади. Ҳаракатдаги автомобилнинг пиёда-болалар билан тўқнашувида етказилган жароҳатланишларнинг суд-тиббий жиҳатлари ўрганилганлик даражасини аниқлаш ва мазкур муаммони ҳал этиш вазифаларини белгилаш.

Материал ва методлар

Самарқанд вилояти миқёсида сўнгги 5 йил мобайнида суд-тиббий экспертиза (текшируви) дан ўтказилган ЙТХ болалар жароҳатланишларига доир ҳулосалар (далолатномалар) ва ҳодиса рўй берган жойни кўздан кечириш баённомалари ҳамда тегишли тиббий ҳужжатлар маълумотлари ўрганилди, натижалар математик ҳисоб-китоб қилинди. Шу билан биргаликда мавзуга доир илмий адабиётлар ҳам ўрганилиб таҳлил қилинди.

Натижа ва таҳлилар

Суд-тиббий экспертиза маълумотлари таҳлили шунини кўрсатадики, сўнгги 5 йил мобайнида (2015-2019

йй.) Самарқанд вилоят миқёсида ЙТХ билан боғлиқ 1838 та ўлим ҳолати қайд этилган бўлса, шундан 1744 та (95,0%) ни автомобиль травмаларини ташкил этиб, улар орасида 6-14 ёшли болалар 103 (6,0%) нафарини ташкил этган. Шу давр мобайнида ЙТХ оқибатида турли даражали тан жароҳат олганлар (леталсиз ҳолатлар) 16947 нафарни, улар орасида автомобиль травмаларида жабрланганлар 16618 (98,0%) нафарни, шундан 1300 (8,0%) нафарини болалар ташкил этган. Жароҳатланишлар оқибатида вафот этган болалардан ўғиллар 60% ни, қизлар - 40% бўлиб, улар орасида энг кўп қисми 14-15 ёшдаги болаларга тўғри келади. Болалар ўлимининг сабаблари асосан огир даражали бош мия жароҳатлари ва қўма жароҳатланишлар ҳамда паренхиматоз аъзолар жароҳатланиши оқибатидаги массив қон йўқотиш бўлган. Қайд этилган маълумотлар ТТ, шу жумладан автомобиль травмаларида болаларда жароҳатланишларининг турли жиҳатларни ўрганиш ва таҳлил этиш ўта долзарб эканлигидан далолат беради.

Автомобиль травмаларининг суд-тиббий жиҳатларига доир адабиётлар таҳлиliga кўра, ҳаракатдаги автомобилнинг пиёдалар билан тўқнашув ҳалокати энг кўп учрайдиган автоҳалокат бўлишига ва замонавий автомобиллар, хусусан енгил русумли автомобиллар, ташқи ва салон ичи конструкциясининг тубдан ўзгарганлиги, уларнинг ҳаракатланиш тезлиги ҳам ошганлигига қарамасдан, автоҳалокатнинг бу тури суд-тиббий экспертиза (текширув) масалаларини ҳал этиш бўйича, салон ичи травмаларига нисбатан, нафақат болаларда хатто катта ёшли инсонларга етказилган жароҳатлар миқёсида ҳам етарлича ўрганилган. Замонавий адабиётларда бу борадаги маълумотлар асосан мақолалар шарҳи ва эксперт амалиётидаги кузатувлар ҳамда саноқли илмий тадқиқотлар натижаларидан иборат Авдеев А.И., (2014), Фетисов В.А., Смиренин С.А., Нестеров А.В., Хабова З.С., (2014), Мантаков М.С., (2014), Вуре М.Р., (2007). Ўзбекистон миқёсида мазкур ҳолат бўйича тадқиқотлар ўтказилмаган.

СТЭ (текширув)лар мақсадида ЙТХ да болалар жароҳатланишлари механизмини аниқлаш учун, ҳодиса тафсилоти ва ҳалокат тури билан бир қаторда, жабрланган бола ёши, бўйи узунлиги, тўқима ва аъзолар анатомио-морфологик хусусиятлари, боланинг ўзини идрок этиши билан боғлиқ жавоб реакцияси каби ҳолатлар инобатга олинishi лозим. Шунга кўра, мазкур жароҳатланишларда суд-тиббий экспертизага қўйилган саволлар ечимида жабрланган бола ёши ва ривожланиш даражаси ҳисобга олинган ҳолда ҳар бир ҳолатга индивидуал ёндашувни талаб этади [Кешишян Р.А., 2009; Роров V.L., ҳаммуал., 2012; Савенкова Е.Н., ҳаммуал., 2014;].

Турли травматик таъсиротлар оқибатида болаларда бош мия жароҳатларининг ўзига хос хусусиятлари [Шишков Т.Т., 1988; Пиголкин Ю.И., Попов В.Л., Дубровин И.А., 2018], тана скелети суяклари синишларида ҳамда бошқа аъзо ва тўқималарда жароҳатланишларининг ўзига хос жиҳатлари кўплаб муаллифлар томонидан эътироф этилган [Баиндурашвили А.Г., Маревская Н.Н., 2010; Cassel S., Shah A.S. Metacarpal, 2015;]. Болалар травматизми юзасидан СТЭ (текширув) мақсадлари учун ягона алгоритм ишлаб чиқилмаган, бу ҳолат суд-тиббий текширувлар асосланиши ва ишончлилик даражасига салбий таъсир кўрсатади [Ковалев А.В., Козлов Т.П., 2013].

В.А. Пороженко ва С.А. Анупруенко маълумотлари бўйича 2013 йил Краснодар шаҳрида (РФ) ЙТХларида жабрланган болаларни энг кўп қисми (88,8%) шаҳар кўчаларида, қолган 11,2% ҳолат шаҳар четиди ва ташқарисида қайд этилган. Улардан 43,6% пиёда-болалар, 29,5% - салон ичи йўловчилари ва 16,7% ни мото- велотравмалар ҳалокати ташкил этган. Пиёда-болаларда қўл жароҳатлари кўп учраган (39,7%) бўлиб, бунда асосан билак суяклари синиши (44%) кўпроқ қайд этилган, елка суяги синиши - 16% ни, оёқ суяклари синиши -14% ни, бош суяклари синиши - 18% ни ҳамда умуртқа ва қафт суяклари синиши -1,5% ни ташкил этган. Шунга ўхшаш маълумотлар ЙТХ ларда болалар жароҳатланишининг клиник жиҳатларини ўрганган Кешишян Р.А. (2010) ишларида ҳам кўрсатиб ўтилган [Кешишян Р.А., 2010].

Турли хил ТТ, шу жумладан автомобиль травмаларининг айрим турларида (салон ичи травмаси ва пиёдани уриб юбориш) болалар жароҳатланишларининг суд-тиббий жиҳатлари бўйича ўтказилган тадқиқотлардан Е.Н.Савенкова ва ҳаммуалифлар ишлари диққатга сазовордир. Муалифлар томонидан сўнги йилларда (2014-2018 йй.) ўтказган тадқиқотларда болаларнинг ЙТХ ва автомобиль травмаларида жароҳатланиши даражалари кўрсаткичлари билан бир қаторда, автомобиль ҳалокати турларида болалар танасидаги жароҳатлар жойлашув ўрни ва ўзига хос хусусиятлар ҳам кўрсатилган, айрим ҳолларда жароҳатлар механизмига ҳам баҳо бериб ўтилган. Жумладан, болаларда бош-мия ва қўл-оёқ жароҳатланишлари салон ичи травмаси ва автомобильнинг пиёда-болалар билан тўқнашувида ҳам кузатилиши мумкинлиги, бироқ бу икки травмада қўл-оёқлардаги жароҳатлар жойлашуви бир-биридан фарқ қилиши кўрсатилган [Савенкова

Е.Н., ҳаммуал., 2014]. Шу билан биргаликда, пиёда-болаларда ички аъзолар жароҳатлари жиддийлиги, уларда ички ва ташқи жароҳатлар тананинг турли юзаларида бўлиши ҳамда аксарият ҳолларда қўл суяклари синиши қайд этилса, салон ичи травмаларда - болалар танасидаги жароҳатлар асосан бир томонлама бўлиб, бош - мия жароҳатлари массив бўлиши ва бу ҳар доим бош суяклари синиши билан кечиши таъкидланган [Савенкова Е.Н. ва ҳаммуал., 2015]. Оёқлардаги жароҳатланишлар жойлашувининг болалар ёшига боғлиқлиги, лекин бош - мия ва қўл жароҳатланишлари бола ёшига боғлиқ бўлмаслиги, бироқ 6-10 ёшли болаларда бош мия жароҳати оғир даражали бўлиши ҳамда 10-15 ёшли болаларда бу жароҳат чегараланган ҳолда бўлиб ёки гумбаз, ёки асос ва юз суякларида синишлар вужудга келиши қайд этилган [Савенкова Е.Н., ҳаммуал., 2014]. Келтирилган бу ва бошқа мавжуд маълумотлар муҳокама қилинаётган автомобиль ҳалокати турида пиёда-болаларга етказилган жароҳатлар механизмини, жароҳатланишлар оғирлик даражаларини баҳолаш юзасидан тўлиқ ва аниқ хулосалар қилиш имконини бермайди. Қолаверса, Ўзбекистонда ишлаб чиқиладиган замонавий енгил русумли автомобильлар кузови конструкциясини инобага олиб, мазкур ҳолатда пиёда-болаларга етказиладиган жароҳатлар хусусиятини алоҳида ўрганишни тақозо этади.

Кўрсатилиб ўтилган маълумотлардан келиб чиққан ҳолда, ҳаракатдаги автомобильнинг пиёда-болалар билан тўқнашувида оёқлардаги жароҳатлар жойлашуви бола ёшига боғлиқлигини инобатга олиб, 6-17 ёшдаги болаларда ривожланиш даражасига кўра ўғил ва қизларда бўй узунлиги, тана вазни юзасидан БЖССТнинг ўртача кўрсаткичларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз (Жадвал).

Жадвал.

Ўғил ва қиз болалар нормал оғирлиги ҳамда бўйи узунлиги (БЖССТ маълумоти)

Қизларда			Ўғил болаларда	
Ёши	бўйи узунлиги ўртача (см)	оғирлиги ўртача (кг)	бўйи узунлиги ўртача (см)	оғирлиги ўртача (кг)
6 ёш	104,9-110,0	15,3-17,5	106,1-111,0	15,9-18,0
7 ёш	110,0-124,8	20,6-25,3	116,8-128,0	21,0-25,4
8 ёш	123,0-131,0	23,0-28,5	122,8-134,5	23,3-28,3
9 ёш	126,4-137,0	25,5-32,0	125,6-136,3	25,6-31,5
10 ёш	134,3-142,9	27,7-34,9	133,0-142,0	28,2-35,1
11 ёш	140,2-148,8	30,7-38,9	138,5-149,3	31,0-39,9
12 ёш	145,0-154,2	36,0-45,4	143,6-154,5	34,4-45,1
13 ёш	151,8-159,8	43,0-52,5	149,8-160,6	39,0-50,6
14 ёш	155,4-163,0	48,2-58,0	156,2-167,7	42,8-56,6
15 ёш	157,2-166,0	50,6-60,4	162,5-173,5	48,3-62,8
16 ёш	158,0-166,8	51,8-61,3	166,8-177,8	54,0-69,6
17 ёш	158,6-169,2	52,9-61,9	171,6-181,6	59,9-74,0

Хулосалар

Йўл-транспорт ҳодисалари билан боғлиқ жароҳатланиш таркибида автомобиль травмалари оқибатида болалар ўлими 6% ни ва бу турдаги травмаларда турли даражали тан жароҳати олган (леталсиз ҳолатлар) болалар улуши 8% ни ташкил этади. Автоҳалокатларда болалар жароҳатланишларининг клиник - ижтимоий

тамойилларига бирмунча эътибор қаратилган бўлсада, бу жароҳатланишнинг суд-тиббий жиҳатлари етарлича ўрганилмаган. Жароҳатлар механизмини аниқлашда боланинг ёши, бўйи узунлиги ва аъзо-тўқималарнинг анатомо-морфологик хусусиятлари инобатга олиниб, ҳар бир ҳолатга индивидуал ёндошув лозим. Ўзбекистонда ишлаб чиқиладиган замонавий енгил русумли автомобильлардан пиёда-болаларга етказилган жароҳат

ҳатлар хусусиятларини тизимлаштириш мақсадли тадқиқот ўтказишни талаб этади.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Авдеев А.И. К вопросу о характерных признаках транспортной травмы (случай из практики) // Избранные вопросы судебно-медицинской экспертизы. - Хабаровск, 2014. - Вып.14. - с. 6-8.
2. Баиндурашвили А. Г., Маревская Н. Н., Соловьева К. С. Детский травматизм. Взгляд клинициста и страховщика // Педиатр - СПб. 2010. Т. 1, № 1. С. 96-97.
3. Бухвалов С.А. Медико-социальные аспекты распространенности детского травматизма (факторы риска, организация профилактики и лечения). Автореф. дисс. канд. мед. наук, 2010.
4. Гречишников Ю.В., Гречишников Р.К. Анализ детского травматизма по данным отдела судебно-медицинской экспертизы потерпевших, обвиняемых и других лиц ГУЗ бюро судебно-медицинской экспертизы Камчатского края за 2005-2008 гг. Актуальные вопросы судебной медицины и экспертной практики. Новосибирск. 2009 вып. 5.
5. Ефимов А.А., Рузанов И.С., Турковский В.Б. Анализ возрастных особенностей повреждений при автомобильной травме у детей в результате фронтального удара // Актуальные вопросы судебной медицины и экспертной практики. - Барнаул-Новосибирск, 2008. - Вып. 14.
6. Ефимов А.А., Рузанов И.С., Турковский В.Б. Анализ морфологических особенностей повреждений детей в салоне автомобиля при различных условиях дорожно-транспортных происшествий // Актуальные вопросы судебной медицины и экспертной практики. - Барнаул-Новосибирск, 2008. - Вып. 14.
7. Индиамин С.И., Гамидов С.Ш., Бойманов Ф.Х. Особенности формирования повреждений у пешеходов при их столкновении с движущимися современных автомобилями. Вестник врача. Самарканд. 2020, №3
8. Кешишан Р.А. Дорожно-транспортный травматизм у детей. Автореф.дисс. докт.мед.наук. Москва. 2010.
9. Ковалев А.В., Макаров И.Ю. Современное состояние судебно-медицинской экспертизы автомобильной травмы. Альманах судебной медицины. Юридический Центр Пресс. СПб.2011;11(19):5-7.
10. Ковалев А.В., Козлов Т.П. Актуальные проблемы судебно-медицинской экспертизы детской травмы. Судебно-медицинская экспертиза. - 2013. - №6 (47). - С. 9-10.
11. Леонов С.В., Пинчук П.В. Судебно-медицинская характеристика повреждений у пешехода при передне-краевом наезде автомобиля. //Судебно-медицинская экспертиза. - 2016. - №4. - с. 21-24.
12. Мантакос М.С //Судебно-медицинская оценка состояний пострадавших при дорожно-транспортных происшествиях и падениях с большой высоты// Автореф. дисс. канд. мед. наук. Москва - 2014. с-23.
13. Матышев, А.А. Распознавание основных видов автомобильной травмы / А.А. Матышев. - Издательство Медицина. - Л., 1969. - 128 с.
14. Назаренко И.И., Иванов В.И., Иощин Г.Г., Иорш В.М. Последствия психологической травмы у пострадавших после дорожно-транспортного происшествия (аналитический обзор литературы). Травма. 2016 года; 17 (4): 7-15.
15. Немсадзе В.П., Амбернади Р. Детский травматизм. Опыт понимания, лечения, профилактика. М. Аист. 2003
16. Пиголкин Ю.И., Попов В.А., Дубровин И.А. Черепно-мозговая травма. Монография. М. 2018.
17. Плевинский П.В. Комплексная судебно-медицинской характеристика автомобильной травмы и особенности подхода к решению экспертных задач // Автореф. дисс.канд. мед.наук / П.В. Плевинский - К.: 2019. - 39 с.
18. Порошенко В.А., Ануфриенко С.А. Детский дорожно-транспортный травматизм в г. Краснодаре. Кубанский научный медицинский вестник. №7 (149), 2014, с.61-64.
19. Савенкова Е.Н., Ефимов А.А., Семижонина В.Н., Купрюшин А.С. К вопросу о возрастных особенностях детского автомобильного травматизма. Известия высших учебных заведений. Поволжский регион. Медицинские науки. 2014;3:127-134.
20. Савенкова Е.Н., Ефимов А.А., Курзин Л.М., Семижонина В.Н. Сравнительный анализ повреждений у детей при некоторых видах транспортной травмы в нелетальных случаях // Вестник Тамбовского университета. Серия: Естественные и технические науки. - 2014. - Т.19. № 3. - С. 983-985.
21. Савенкова Е.Н., Ефимов А.А., Семижонина В.Н. Особенности повреждений у детей при некоторых видах автомобильной травмы со смертельным исходом. Проблемы экспертизы в медицине.2015;1-2:47-49.
22. Савенкова Е.Н., Ефимов А.А., Семина М.Н. Особенности повреждений, возникающих в условиях несмертельной автомобильной травмы у детей-пешеходов разного возраста. Судебно-медицинская экспертиза. - 2018. - №3 (47). - С. 69-75.
23. Саркисян Б.А., Паньков И.В. Повреждения водителя и пассажира переднего сидения при несмертельной внутрисалонной травме в легковых автомобилях иностранного производства// Медицинская экспертиза и право. -2014.-№4.- с. 48-50.
24. Солохин А.А.Судебно-медицинская экспертиза в случаях автомобильной травмы М-Медицина 1968. - 227 с.
25. Стешиц, В.К. Судебно-медицинская экспертиза при дорожно-транспортных происшествиях / В.К. Стешиц. - Минск. - Беларусь, 1976.- 184 с.
26. Суворов, С. Г. Смертельный детский дорожно-транспортный травматизм. Организационные аспекты медицинской помощи/ С. Г. Суворов, В. М. Розинов// Медицина катастроф. - 2014. - №4. - С. 11-14.
27. Томилин В.В., Пашинян Г.А. Судебная медицина (руководство). М. 2011.
28. Фетисов В.А., Смиренин С.А., Нестеров А.В., Хабова З.С. Актуальные вопросы автомобильной травмы в материалах статей журнала "Судебно-медицинская экспертиза" за период с 1958 по 2012 г // Судебно-медицинская экспертиза. - 2014. - №3. - с. 56-62.
29. Якунин С.Я. Эпидемиологические особенности автобоильного травматизма в России и за рубежом // Судебно-медицинская экспертиза.-2007.- №4. - с.8-13
30. Шишков Т.Т. Морфологические особенности и судебно-медицинские критерии оценки черепно-мозговой травмы в детском возрасте: Автореф.дисс...д-ра мед.наук. М.1988
31. Popov V. L., Karavaev V. M. Sudebno-meditsinskaya ekspertiza[Forensic medical ex-amination]. 2012, no. 55 (4), pp. 4-9.
32. Cassel S., Shah A. S. Metacarpal fractures // J. M. Abzug, S. H. Kozin, D. A. Zlotolow. The Pediatric Upper Extremity: in 3 volumes. N.-Y.: Springer Science Business Media, 2015. 1866 p.

Келиб тушган вақти 09.03. 2020